

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ
МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ РЕАЛИЗАЦИИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СИСТЕМЕ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

PROBLEMS OF IMPLEMENTING DISTANCE EDUCATION IN THE PROFESSIONAL EDUCATION
SYSTEM

Зияева Мадина Абдурахмановна

Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми талабаси, Тошкент, Ўзбекистон

happy_mother@internet.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим тизими ҳолати, масофавий таълимни ташкил этишда мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳамда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масалалари акс эттирилган.

Аннотация

На данном статье описываются состояние системы профессионального образования Республики Узбекистан, существующие проблемы и недостатки в организации дистанционного обучения, их устранении и подготовке конкурентоспособных кадров.

Annotation

This article describes the state of the vocational education system in the Republic of Uzbekistan, the existing problems in the organization of distance learning, their elimination and the training of competitive personnel.

Калит сўзлар: таълим, халқаро стандартлар, классификатор, masofaviy ta'lim, электрон платформалар, илмий салоҳият.

Ключевые слова: образование, международные стандарты, классификатор, дистанционное обучение, электронные платформы, научный потенциал.

Keywords: education, international standards, classifier, distance learning, electronic platforms, scientific potential.

Республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашда келажак учун кенг қамровли, оқилана асосланган устувор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоийиқтисодий ривожланишнинг режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган, кўпгина жабҳаларда чуқурлашиб бораётган янгича бозор муносабатлари узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, иқтидорли, ташаббускор юқори малакали кадрлар сони ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган профессионал таълим муассасалари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш даврида фуқаролар даромадлари, турмуш даражаси ва республикада

ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, натижада юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш билан биргаликда меҳнат ресурслари интеллектуал салоҳиятини ошириш вазифалари ҳам бугуннинг долзарб аҳамият касб этувчи масалалари қаторидан ўрин эгаллайди. Ҳозирги глобаллашув ва тезкор ахборот алмашинуви шароитларида ҳар қандай ташкилот, корхона ва муассасанинг замон талабларига мос равишда ривожланиши ходимларнинг кенг дунёқараши ва масъулиятлилиги, энг муҳими, раҳбар ва жамоадаги юқори малакали кадрларнинг билими, кўникмаси, иқтидори, маънавияти, бошқарув қобилияти, илмий салоҳияти ва бошқа хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Профессионал таълим муассасаларида рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, улардан юртимиз осойишталиги ва ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида мақсадли фойдаланиш қатъий рақобатга асосланган бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир. Чунки юқорида келтирилган глобал масалаларнинг ижобий ҳал этилишида мамлакатимизнинг улкан илмий, ижодий, интеллектуал ва меҳнат салоҳиятининг таркибий қисми бўлган, мустақиллик йилларидан ҳозирга қадар профессионал таълим муассасаларини битириб, меҳнат бозорида бозор иқтисодиёти талабларига амал қилиб, ташкилотларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган юқори малакали кадрларнинг ўрни аҳамиятлидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган профессионал таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли Фармони ижроси юзасидан Республикадаги касб-хунар коллежлари фаолияти тугатилиб, халқаро андозаларга мос бўлган, яъне ЮНЕСКО халқаро таснифлагичи(кейинги ўринларда Халқаро таснифлагич ёки МСКО)нинг 3,4,5 даражаларига мос келувчи профессионал таълим тизими жорий этилди. Бунда, халқаро таснифлагичининг 3 даражасига мос келувчи касб-хунар мактаблари, 4 даражасига мос келувчи идоровий коллежлар ҳамда 5 даражасига мос келувчи олий таълим тизими билан интеграциялашган техникумларни кўришимиз мумкин. Худудларда янги профессионал таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, профессионал таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади. Ҳозирги замон шароитида профессионал таълим муассасаларида ўқув жараёни белгиланган ўқув меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган бўлиб, фанлар бўйича ўқув дастурлари худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари эҳтиёжлари асосида интеграциялаштирилган ҳолда ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда. Халқаро андозаларга мос келувчи профессионал таълим тизимида қандай муаммо ва камчиликлар мавжуд? деган саволлар туғилиши табиий. Бу саволларга жавоб беришда муаммо ва ечимларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин.

Биринчидан, яқин йиллар ичида бутун дунёда инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи юқумли касалликлар жумладан, коронавирус инфекцияси каби вируслар аҳоли ўртасида гигиена қоидаларига риоя этиш, ижтимоий масофани сақлаш каби профилактик чора-тадбирлар таълим муассасаларида ҳам ўқув жараёнини анъанавий шаклдан масофавий

таълимга ўтишга эҳтиёж туғилди. Олий таълим тизимида аксарият олий таълим муассасаларида MOODLE дастурий таълим платформаси асосида масофавий таълим ташкил этилди. Бироқ айтиш шунданки, шу вақтда профессионал таълим тизимида ҳам ўқув жараёни масофавий тарзда амалга оширишда “Ақлли таълим” платформалари мавжуд эмаслиги сабабли ижтимоий тармоқлар ва турли хил месенджерлар орқали ўқув машғулоти олиб борилди. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини пасайиши, назорат тизимидаги муаммолар, ўқув машғулотидаги билим олувчиларнинг ўз вақтида қатнашмаслиги, ҳудудлардаги интернет тармоғидаги муаммолар, машғулотидаги материаллари бит-хажми турлича бўлгани сабабли улардан фойдаланишдаги қийинчиликлар ҳамда педагог ходимлар ва билим олувчиларда ортиқча интернет трафиклари сарфланиши оқибатида харажатларнинг кўпайишига ва бунинг натижасида айрим билим олувчилар дарс машғулотида қатнашмаслиги каби таълим узлуксизлигига салбий таъсир этувчи муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлди. Мисол ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, 2020 йилда биргина Сирғали политехника касб-хунар коллежи (ҳозирги Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми) да пандемия сабабли ташкил этилган “онлайн дарс” самарадорлиги бўйича ўтказилган сўровномада билим олувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарининг фақатгина 17 фоизи ижобий фикр билдирган, 83 фоиз сўровнома иштирокчилари билим сифати пасайгани ҳақида фикр юритишган. Ваҳоланки, ушбу таълим муассасаси кўп йиллар давомида билим бериш сифати ҳамда рейтинги бўйича Тошкент шаҳри ва Республика миқёсида етакчи ўринларни эгаллаб келган.

Иккинчидан, янги ташкил этилган профессионал таълим тизимида олдинги касб-хунар таълими тизимидан фарқли кундузги, кечки, сиртқи таълим шакллари мавжуд бўлиб, пандемия шароити бўлмаган тақдирда ҳам сиртқи таълим шаклида билим олувчиларнинг ўқув юкласи бошқа таълим шаклларида анча фарқ қилиши таълим сифатининг пасайиши, билим олувчиларнинг нисбатан кам билим ва кўникмаларга эга бўлиши кузатилади. Бу каби камчиликларни бартараф этишда сиртқи таълим шакли билим олувчилари ҳам масофавий тарзда “ихтиёрий дарс жадвали” асосида билим олишлари мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 163-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида “ҳаёт давомида таълим” принципи асосида “дуал” таълим тизими жорий этилиши кўрсатилган бўлиб, билим олувчилар ҳафта давомида камида 2 кун таълим муассасасида билим олиб қолган иш кунлари ўзларининг касб ва мутахассисликлари мос равишда корхоналарда ёки ишлаб чиқариш тармоқларида ўзларининг амалий кўникмаларини мустақамлаши мумкин бўлиб, корхона ва ташкилотлар билим олувчиларга иш ҳақи тўлаши назарда тутилган. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини оширишга сабаб бўлади. Бироқ, ҳафта давомида 2 кунлик назарий ёки амалий машғулотларда эгалланадиган билим ва кўникмалар ёшларнинг эгалланиши лозим бўлган билим ва кўникмаларига қўйиладиган минимал талабларга салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис, “дуал” таълим тизими бўйича билим олаётган ёшлар 2 кунлик анъанавий таълим 4 кунлик масофавий таълим тизими асосида “аралаш” билим олишлари мақсадга

мувофиқдир. Зеро, билим олиш чегарасиз бўлиб, ёш авлоднинг қисқа давр ичида самарали билим олиши ва ўз навбатида ишлаб чиқариш тармоқлари билан узвийликни таъминлаши мамлакат тараққиёти учун ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус professional таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси professional таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 715-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профessional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 715-сон Қарори.
5. Ибраймов А. Масофавий ўқитиш тизимини ташкил этиш ва ўқув курслари мазмунини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари. ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2016 йил.
6. Мавлонова Р.А., Раҳмонқулова Н.Х., Матназарова К.О., Ширинов М.К., С.Ҳафизов. Умумий педагогика. -Т.: «Фан ва технология», 2018 йил.
7. Айрим ишлаб чиқариш жараёнидаги лойиҳа ва патент ишланмалари.
8. www.lex.uz
9. www.ziyounet.uz
10. www.google.ru
11. www.webstudy.ru